

Саидахмадхон ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

АБДУЛАЗИЗ ИБН АҲМАД БУХОРИЙ ВА УНИНГ «ШАРҲУ УСУЛ АЛ-БАЗДАВИЙ» АСАРИ

Алоуддин (“Диннинг шарафи”) номи билан танилган Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Илӛс Алоуддин Бухорий Ҳанафий мовароуннаҳрлик фақиҳ, муҳаддис, усул олими бўлган. Тарих китобларида фақиҳнинг туғилган санаси ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Аммо олимнинг асосий устози ва амакиси ҳисобланган Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Илӛс Фаҳруддин Моймарғийнинг нисбасидан келиб чиқиб, Бухоро яқинидаги “Моймарғ” (айрим манбаларда “Моймурғ”) деган қишлоқда туғилганлигини тахмин қилиш мумкин¹. Табақот китобларида аллома Бухорода (730 х./1330) йилда вафот этганлиги айтиб ўтилган².

Абдулазиз Бухорий таълим олган олимлар қаторида ўз даврининг кўплаб етук фақиҳлари зикр этилади. Тарихчилар асосий устоzlари сифатида ўз амакиси Муҳаммад ибн Муҳаммад Фаҳруддин Моймарғий (ваф. 751 х./1351) ҳамда Ҳофизиддин Кабир Абул Фазл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Бухорий

(ваф. 1303) келтиришади³. Абдулазиз Бухорий улардан ханафий фикҳининг усул ва фуруъ илмига оид китобларни бевосита ўрганган. Манбаларда олимнинг мазҳаббоши Имом Аъзамгача устоzlари силсиласи келтирилади, улар Абдулазиз Бухорий устози Ҳофизиддин Кабир Бухорий Шамсул аимма Муҳаммад ибн Абдуссаттор Кардарийдан, у Бурҳониддин Марғинонийдан, у Абу Ҳафс Нажмуддин Умар Насафийдан, у Садрул-ислом ва Фаҳрул-ислом Паздавийлардан, улар Исмоил ибн Абдуссодикдан, у Абдулкарми Паздавийдан, у Абу Мансур Мотуридийдан, у Абу Бакр Жузжонийдан, Абу Сулаймон Жузжонийдан, у Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан ва Муҳаммад ибн Ҳасан имом Аъзам Абу Ҳанифа (р.х.)дан таълим ўрганган⁴.

Олим ўзининг асосий асари “Кашфул-асрор”да таълим олган мадрасалари ҳақида маълумот бериб: “Сарахсдаги “Мадрасатул Аббосийя”да устозим Фаҳруддин Моймарғий назоратида Фаҳрул-ислом Паздавийнинг

¹ Қаранг: Кураший Абдулқодир. Жавоҳир ал-музййя фи табақотил-ханафийя (Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Хулв таҳрири остида) – Қоҳира: Хижр, 1993. – Ж 3. – Б. 318.

² Ҳожи Халифа (Мустафо ибн Абдуллоҳ Кустантиний Румий Ҳанафий). Кашфуз-зунун ан асамил-кутуб вал-фунун. – Байрут. Дор кутуб ал-илмия, 1992. – Ж. Б. 114.

³ Абул Фидо Зайнуddин ибн Қосим ибн Қутлубуго. – Тоҷут-тарожим. – Байрут. Дору-л-Қалам, 1992. – Ж. – Б. 318; Абдулазиз Бухорий. Кашфул асрор. – Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. –Ж. 1. –Б. 10.

⁴ Мавсуатул фикҳийя. Уламолар жамоси. – Қувайт. Зотус салосил, 1992. – Ж. 3. – Б 353.

“Усул” асарини тўлиқ ўқиб чикдим”⁵ дейди. Бундан маълум бўладики, Сарахс шаҳридаги мадрасалар, жумладан, “Мадраса ал-Аббосийя”да Фахрул-ислом Паздавийнинг усулул фикҳга оид “Усул” асари дарслик сифатида ўқитилган. Абдулазиз Бухорий ҳам устози ва амакиси Фахруддин Моймарғий кўлида мазкур асарни тўлиқ ўқиб, ўрганган ва кейинчалик “Кашфул-асрор” номли унга машхур шарҳ ёзган.

Абдулазиз Бухорий тарбиялаган шогирдлар қаторида кўплаб машхур фақиҳларни кўриш мумкин. Жумладан, “Ал-Ҳидоя” асарининг шориҳларидан бири Қивомуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Санжорий Кокий (ваф. 749 х./1349) ва Жалолиддин Умар ибн Муҳаммад Умар Хўжандий Хаббозий (ваф. 1292) каби йирик ҳанафий фақиҳлари алломанинг шогирдларидир⁶.

Абдулазиз Бухорий талабаларга дарс бериш билан бирга кўплаб муҳим асарлар таълиф этган. Улар қуйидагилар:

1. “Шарҳ усул ал-Баздавий” номи билан танилган “Кашфул-асрор ан Усули Фахрул-ислом Баздавий” асари⁷. Ушбу асар Ҳанафий усулул фикҳи бўйича асосий китоблардан бири саналади. Асар мазмунига тўхталиб ўтсак, унинг муқаддимасида муаллиф илмнинг таърифи ва фикҳ ҳамда ҳикматнинг баёнини келтириб ўтади. Кейин эса, шаръий ҳукмларнинг манбалари ҳақида сўз юритиб, Қуръон, суннат ва уларга тегишли маълумотлар, далиллар тафсилотини зикр қилади. Сўнгра усулул фикҳнинг бошқа мавзуларини баёт этади. “Кашфул-асрор” асарида усулий қоидаларни таҳлил қилиш билан бирга фикҳий ҳукмларни баён қилиш, уларнинг ҳанафий мазҳаби бўйича далилларини келтириш ҳам кўп учрайди⁸.

⁵ Абдулазиз Бухорий. Кашфул асрор. – Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. – Ж. 1. Б. 10.

⁶ Муҳаммад ибн Сулаймон Ҳанафий. Китоб аъламу-л-ахяр. Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. Б. 332., Муҳаммад Абдулхай Лакнавий ал-Ҳиндий. “Фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафийя” асари. – Қоҳира. Дор ал-кутуб ал-исламий нашриёти, 1324/1906. – Ж. 1. – Б. 151.

⁷ Абдулазиз Бухорий. Кашфул асрор. Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. – Ж. 1. – Б. 2.

⁸ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Усулул фикҳ. – Т.: “Hilol nashr”, 2019. – Б.19.

2. “Китобул-афния” асари⁹. Ушбу китобда муаллиф яшаган шаҳарлар, улардаги мадраса, масжид каби иншоотлар ва аҳолисининг жойлашуви ҳақида маълумотлар берилган.

3. “Арбауна фил ҳадис” асари¹⁰. Бу асарда қирқ дон аслом шариатининг умумий тамойилларини ифода этувчи ҳадислар жамланган ва таҳлил этилган.

4. “Ғоятут-таҳқиқ фи шарҳи Мунтахабул-Ҳисомий” асари. Бу асар машхур фақиҳ Хусомиддин Ахсикатийнинг усулул фикҳга оид “ал-Мунтахабу-л-Ҳусомий” номли китобига ёзилган шарҳдир. Абдулазиз Бухорий ўз шарҳи муқаддимасида “ал-Мунтахабу-л-Ҳусомий”ни усул илми бўйича ёзилган муҳим, мухтасар қўлланма эканини, бу илм бўйича ёзилган бошқа асарлардан услуби ва тартиби ва далиллари билан устун туришини таъкидлайди¹¹. Ҳозирда асарнинг бир неча тўлиқ қўлёзма нусхалари Туркия кутубхоналарида мавжуд¹².

5. “Шарҳу-л-Ҳидоя” асари. Бу асар Абдулазиз Бухорийнинг шогирди Қивомуддин Кокий илтимосига биноан таълиф этилган. Муаллиф уни умрининг охириги йилларида ёзган бўлиб, “Никоҳ” мавзусигача етиб борган, бироқ шарҳни якунлаш насиб этмади. Кейинроқ Қивомуддин Кокий мазкур асарнинг мантикий давоми ва якуни сифатида “Ҳидоя”га “Меърожу-д-дироя ила шарҳил Ҳидоя” номли машхур шарҳ ёзган¹³.

Абдулазиз Бухорий кўплаб шогирдларига “Кашфул-асрор ан усули Фахру-л-ислом Паздавий” китобидан ижоза берган. Улардан бири Қивомиддин Кокий Хўжандий бўлиб, у кейинчалик Мисрга сафар қилади ва шаҳар аҳолисига устозининг асарларидан таълим

⁹ Ҳожи Халифа (Мустафо ибн Абдуллоҳ Қўстантиний Румий Ҳанафий). Кашфуз-зунун ан асамил-кутуб вал-фунун. – Байрут. Дор кутуб ал-илмия, 1992. – Ж. 3. – Б. 21.

¹⁰ Абдулазиз Бухорий. Кашфул асрор. – Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. – Ж. 1. – Б. 5.

¹¹ Қаранг: Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун ан асамий ал - кутуб вал фунун. Байрут: Дор ихё ат - турос ал - арабий, 1907. – Б. 1852.

¹² Шайх Вафо. Ошир Афанди кутубхонаси 72 рақамли каталоги. – Истанбул: Муҳаммадбек матбаъаси, 1306/1888. – Б. 20.

¹³ Муҳаммад ибн Сулаймон Ҳанафий. Китоб аъламу-л-ахяр. – Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. – Б. 332.

беради. Кокийнинг шогирдларидан бири машхур ҳанафий фақиҳи Акмалуддин Бобартий (ваф. 786/1398) ҳам “Усул ал-Баздавий”га “ат-Тақрир” номли шарҳ ёзган¹⁴. Демак, Акмалуддин Бобартий устози Кокий воситасида Абдулазиз Бухорийнинг илмларини ўзлаштирган ва уларни бойитиш натижасида “Усул ал-Баздавий”га яна бир “ат-Тақрир” номли муфасссал шарҳ таълиф этган.

Умуман олганда, “Усул ал-Баздавий” (тўлиқ номи “Канзул вусул ила маърифатил-усул”) асари усулул фикҳ илмида ҳанафийлар йўналишининг асосий адабиёти ҳисобланади. Ҳожи Халифа асарга таъриф бериб: “Усул ал-Баздавий” ўзида нодир масалаларни жамлаган аҳамиятли манбадир. Забардаст фақиҳлар ўз асарлари орқали ундаги маъноларни очиб беришга, шарҳлашга ҳаракат қилишган”¹⁵. Дарҳақиқат, фақиҳлар орасида асарга шарҳ, изоҳ ва ҳошия ёзиш урфи бўлган ва ёзган шарҳи билан фақиҳлар савияси белгиланган. Асарга ёзилган шарҳларнинг аксарияти бизгача етиб келган, қуйидагилар уларнинг баъзиларидир:

– *Ҳамидулдин Али ибн Муҳаммад Ромийий Бухорий (ваф. 667/1268)нинг “Ал-Фаваид ала усул ал-Баздавий” номли шарҳи.* Ушбу асар “Усул ал-Баздавий”га ёзилган дастлабки шарҳ сифатида машхур. Асарнинг ҳаттот Муҳаммад ибн Абу Нуайм томонидан 693/1294 йилда кўчирилган қўлёзма нусхаси муаллиф яшаган даврга энг яқини бўлиб, Мисрдаги “Дор ал-Кутуб” кутубхонасида №179 рақам билан сақланмоқда¹⁶. Китобнинг нашри ҳозиргача амалга оширилмаган.

– *Ҳусомиддин Ҳусайн ибн Али ибн Ҳажжжоз Сигнокийнинг (ваф. 714/1314 й.) “ал-Кофий шарҳул Баздавий” номли шарҳи.* Ушбу асар йирик ҳажмда бўлиб, икки минг саҳифадан зиёдроқни ташкил этади. У 2001 йил Муҳаммадсайдид Муҳаммадқонит таҳри-

ри остида ар-Риёздаги “Мактаба ар-Рушд” нашриётида чоп этилган¹⁷. Мазкур нашрда асарнинг ҳозирда мавжуд қўлёзма нусхалари ҳақида тўлиқ маълумот берилган.

– *Акмалуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Бобартий Мисрий (ваф. 786/1398)нинг “ат-Тақрир ли усулил Баздавий” номли шарҳи.* Ушбу асарнинг ҳам нашри амалга ошмаган бўлса-да, Макка шаҳридаги “Уммул қуро” университетида асар бўйича бир неча тадқиқотлар бажарилган ва уларда асарнинг дунё фондларида мавжуд қўлёзма нусхалари ҳақида маълумотлар берилган¹⁸.

– *Абулфидо Зайнулдин Қосим ибн Қутлубуго (ваф. 1474)нинг номли “Таҳриж аҳадиси Усул Баздавий” номли шарҳи.* Бу асарда “Усул ал-Баздавий”да келтирилган ҳадислар ва ривоятларнинг тўлиқ шакли ва уларнинг ишончли ҳадис тўпламларидаги жойлари кўрсатиб ўтилган ва ҳавола қилинган. Асарнинг “Усул ал-Баздавий” билан бирга Карачида “Мир Муҳаммад” кутубхонасида тошбосма нашри амалга оширилган¹⁹. Бироқ ушбу нашрда айрим сўзларни ўзгариши каби хатоларни учратиш мумкин, шунингдек, нашрга асос бўлган қўлёзмалар ҳам кўрсатилмаган. Аммо, Муҳаммад Хусайн Тожи томонидан “Таҳриж аҳадиси Усул Баздавий” асари докторлик диссертациеси доирасида тадқиқ этилган ва тадқиқот натижаси ўлароқ Карачидаги Шайх Зайид номидаги Ислом билимлари марказида 1995 йил нашр этилган²⁰. Айтиш мумкинки, ушбу тадқиқот асар муаллифига тегишли икки қўлёзма дастхат нусхаси билан бирга яна бир неча қўлёзмалар асосида олиб борилган²¹.

¹⁷ Ҳисомиддин Сигнокий. Ал-Кофий шарҳул-Баздавий- (Фахруддин Муҳаммадсайдид Муҳаммадқонит. таҳрири остида). – Риёз. Мактаба Рушд, 2001. 2596 Б.

¹⁸ Халаф ибн Муҳаммад ал-Муҳаммад. Таҳқиқи Тақрир ли Усул Баздавий, докторлик диссертацияси. – Макка шаҳри, “Уммул қуро” университети 1997 йил. – Б. 33.

¹⁹ Фахрул-ислом Али ибн Муҳаммад Паздавий. Усул ал-Баздавий. – Карачи: Мир Муҳаммад кутубхонаси, (нашр йили кўрсатилмаган).

²⁰ Сайид Яъқуб Бакр. Тарих ал-адаб ал-арабий. – Қоҳира: Дор ал-маъориф, 1119/1698. – Ж 6. – Б. 351.

²¹ Муҳаммад Хусайн Тожи. Ибн Қутлубуго илмий мероси ва “Таҳриж аҳадиси Усул Баздавий” таҳқиқи, PhD дисс. Карачи: Шайх Зайид номли Ислом билимлари маркази, 2004. – Б. 115.

¹⁴ Халаф ибн Муҳаммад. Таҳқиқи Тақрир ли Усул Баздавий, докторлик диссертацияси. – Макка шаҳри, “Уммул қуро” университети 1997 йил. – Б. 33.

¹⁵ Ҳожи Халифа. Кашфул-зунун ан асамил-кутуб вал-фунун. – Байрут. Дор кутуб ал-илмия, 1992. Ж. Б. 182.

¹⁶ Муҳаммад Солиҳ. Шарҳу Жомий-с-сағир таҳқиқи, закот бобидан ҳаж бобигача: магистирлик диссертацияси. – Макка: Уммул Қуро университети, 2010. – Б. 106.

Абдулазиз Бухорийнинг “Кашфул-асрор ан Усули Фахрил-ислом Баздавий” номли шарҳи эса “Усул ал-Баздавий”га ёзилган шарҳларнинг энг эътиборлиси ва мукаммалидир²². Асарнинг дастлаб Истанбулда “Саҳофийя Усманийя” матбаъасида (1307 х./1889 й.) тошбосма нашри амалга оширилган. Замонавий нашри эса 1974, 1997 йиллари Байрутнинг “Дор ал-кутуб ал-илмийя” матбаъасида Абдуллох Маҳмуд Муҳаммад таҳрири остида тўрт жилдлик шаклда чоп этилган²³. Бироқ ушбу нашрда айрим сўзларни ўзгариши каби хатоларни учратиш мумкин, шунингдек, нашрга асос бўлган қўлёзмалар ҳам кўрсатилмаган.

Шунга қарамасдан, “Кашфул-асрор ан Усули Фахри-л-ислом Баздавий” асари ҳозирга қадар ислом билим юртларида усулул фикҳ илми бўйича асосий дарслик сифатида хизмат қилиб келмоқмоқда²⁴.

Асарнинг умумий тузилиши 5 та бўлим, 88 та катта-кичик фасллардан иборат. Асар “Анвоу-л-илм” (Илмнинг турлари) мавзусидан бошланиб, “Ал-Икрох” (Мажбурланиш сабаб юзага келган ҳаракатлар ҳукми) мавзуси билан якунланади. Айрим қўлёзмаларда асар “Аҳлиятул адо” (Вазифаларга лаёқат) мавзуси билан тамомланган. Хар бир бўлимга, баъзан эса боб ва фаслларга баён этилган мавзуни ифодаловчи номлар берилган²⁵.

Бугунги кунда “Кашфул-асрор” асарининг дунё бўйлаб тарқалган йигирмадан ортиқ қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улар дунёнинг энг йирик кутубхоналарида сақланади. Жумладан, Германия, Туркия, Миср, Тунис, Саудия Арабистони, Ҳиндистон кутубхоналарида асарнинг қўлёзма нусхалари борлиги аниқланган²⁶. Шунингдек, ЎзР ФА

Шарқшунослик институтида асарнинг икки қўлёзма нусхаси сақланади.

“Кашфул-асрор” асари қўлёзма нусхаларининг аксарияти тўлиқ, чиройли кўринишда сақланиб қолган бўлиб, асосан, XIVXVI асарларга тегишли. Асарнинг номи унинг қўлёзма нусхаларида “شرح اصول البزدوي” – “Шарҳ усулу-л-Баздавий” ёки “شرح اصول الكبير” – “Шарҳ усули-л-кабир”, баъзан тўлиқ исми “كشف الاسرار عن اصول فخر الاسلام” – “Кашфул асрор ан Усули Фахру-л-ислом” каби номлар билан ёзилган бўлишига қарамасдан, унинг - “شرح اصول البزدوي” – “Шарҳ усулу-л-Баздавий” деб номланган исми кенг тарқалган.

“Кашфул-асрор” асари қўлёзма нусхаларининг дунё бўйлаб кенг тарқалгани ва уларнинг сақланиб қолган нусхалари сони ўша даврда ёзилган манбаларнинг сонига нисбатан кўпроқ эканлигини инобат олиб айтиш мумкинки, ҳанафий усулул фикҳида муҳим манбалардан ҳисобланиб мутахассис ва талабалар томонидан таянч манба сифатида ҳар доим диққат билан ўрганилган ҳамда асарларида ундан кенг истифода этилган.

Ҳозирги даврда ислом қонунчилигидан тортиб, то одоб ахлоқ меъёрларини ўз ичига олувчи кенг қамровли илм “фикҳ” бўйича ёзилган манбаларни, хусусан, “Кашфул-асрор” асари ва унга ёзилган шарҳларни тадқиқ этиш ижтимоий ҳаётдаги масалаларга жавоб топишда долзарб аҳамиятга эга. Алоуддин Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Бухорийнинг ҳаёти ҳозирги ёш авлод тарбиясига ибрат бўлиб, ёзган асарлари орқали тўлиқроқ ўрганиш, англаш мумкин. Шу маънода олимнинг асарларини ўрганиш ва оммага етказиш илм аҳллари олдида турган муҳим вазифалардандир.

Қолаверса, олим асарларининг мавжуд қўлёзмаларини аниқлаб, уларни исломшунослик ва манбашунослик фанлари асосида тадқиқ этиш ва замонавий нашрларини амалга ошириш ҳозирги кун талаби ҳисобланади.

²² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Усулул фикҳ. – Т.: “Hilol nashr”, 2019. – Б.19.

²³ Абдулазиз Бухорий. Кашфул асрор. Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. – Ж. 1. – Б. 7.

²⁴ Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Усулул фикҳ. – Т.: “Hilol nashr”, 2019. 1722 б.

²⁵ Абдулазиз Бухорий. Кашфул асрор. Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. ж-4.

²⁶ Қаранг: Ҳисомиддин Сигнокий. Ал-Кофий шарҳу-л-Баздавий (Фаҳруддин Муҳаммадсайдид Муҳаммадқонит таҳрири остида). – Риёз. Мактаба Рушд, 2001.

23–29 б. Шайх Вафо. Ая София кутубхонаси каталоги. – Истанбул. Муҳаммадбек матбаъаси, 1306/1888. 60-61 б.